



ТЎҒРИ ЭЪТИҚОД - РУҲОНИЙ КОМИЛЛИК ГАРОВИ

Тўхтаев Алибек Шарафитдин ўғли

Ўзбекистон халқаро ислом академияси магистранти

Тарихдан маълумки, ислом шариати шарқ ўлкаларида тарқалиб Ўрта Осиё халқларининг асосий динига айланганидан кейин, Мовароуннаҳр ҳудудида ислом таълимотининг тарқалиши натижасида бу замин фикҳ, тафсир, ҳадис, ва ақида (калом) илмлари, шунингдек араб тили ҳамда унга тегишли фанлар ривожининг марказига айланди. Бу замин Ислом уммати учун қанчадан-қанча забардаст олиму-уламолар, мутафаккирлар ва саркардалар тарбиялаб берган. Хоссатан ақоид илми имомлари Абу Мансур Мотуридий, Абу Муин Насафий, Сўфи Оллоёр каби кўплаб пешволарни санаш мумкин.

Мана шу маънода муҳтарам президентимиз ўз нутқида: “Келгусида чуқур билимли имом-хатиблар, исломшунос мутахассислар, уламолар таёрлашда, энг муҳими, фарзандларимизни буюк аждодларимизнинг бебаҳо мероси руҳида ва соғлом эътиқод руҳида тарбиялашда диний таълим муассасалари таянч бўлиб хизмат қилади. Куни кеча Имом Бухорий бобомиз ёдгорлик мажмуасида бўлганимда бу масаланинг нақадар муҳим долзарб эканини айниқса чуқур ҳис этдим¹”, деб фикр билдирган эди.

Аллоҳ Ўзининг охирги пайғамбарини бандалари орасида ширк амали авж олган даврда юборди. Сабаби, ислом нуқтаи назаридан, ширк амали гуноҳларнинг энг каттаси ва бандаларни азиз инсон мақомидан махлуқотларга сиғинувчи хор тоифага айлантириб қўядиган асосий иллат ҳисобланади. Ширк, исломнинг асоси бўлган тавҳиднинг зидди бўлиб, у жамиятни инқирозга олиб борувчи офат йўли ҳисобланади.

Инсонни ўйга солувчи вазият шундан иборат-ки, Ўзбекистоннинг баъзи ҳудудларида очик ширк аломатлари ва ҳолатларининг кўзга ташланиши инсонни, мусулмон шахсни хафа қилмай қўймайди.

Аллоҳни ёлғиз деб билиб, фақатгина унгагина ибодат қилиш, Ўзи буюрган нарсаларда собитқадамлик ила қайтарган нарсалардан қайтиш эътиқоднинг асли ҳисобланади. Банда бу дунёга Аллоҳни таниш ва Унинг ўзигагина ибодат қилиш учун яратилганлиги борасида Қуръонда шундай хабар берилган:

“Мен жинлар ва инсонларни фақат ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим²”

Ақида илми исломнинг асосини ташкил этади. У тўғри бўлмаса, қилинган ибодатлар Аллоҳ даргоҳида қабул бўлмайди. Ақида гўёки дарахтнинг танаси, бошқа

¹ www.daryo.uz сайти. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бухоро вилояти Пешку туманида вилоят фаоллари ва мутасадди раҳбарлар иштирокида бўлиб ўтган йиғилишдаги нутқидан. 17.02.2018.

² Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент.: Тошкент Ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. – Б.523. Зориёт сураси, 56-оят.



илмлар унинг шоҳлари каби. Бошқача қилиб айтганда, ақида илми иморатнинг пойдевори мисоли. Пойдевор бўлмаса ёки у бўш бўлса, иморат кулаб тушганидек, ақида тўғри бўлмаса, қилинган ибодатлар бекор бўлади.

Сўфи Оллоёр:

Ақида билмаган шайтона элдур,

*Агар минг йил амал деб қилса, елдир!*³

деб ақидага аниқ ва тўғри баҳо берган.

Шу сабабли ҳам Аллоҳнинг эличиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам йигирма уч йил пайғамбарлик даврининг аввалги ўн уч йилини ақидани тўғрилашга бағишлаган. Чунки, авваламбор ақида орқали мусулмонларнинг қалбларига Аллоҳнинг Зоти ва сифатлари, тавҳид, тақдир ва охират тўғрисидаги исломнинг эътиқодий масалалари, дунё, гуноҳ, савоб, жаннат, дўзах, фаришталар, илоҳий китоблар ҳамда пайғамбарларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш қоида-ю, одобларини ўрганиш керак эди.

Сўнгра пайғамбарликнинг кейинги ўн йилида намоз, рўза, закот, ҳаж ва бошқа ибодатлар фарз қилинди.

Бу кетма-кетликка Қуръонда Аллоҳ:

“Эй иймон келтирган зотлар, Аллоҳдан ҳақиқий кўрқув билан кўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингизда дунёдан ўтинглар!”⁴ дейди. Оятдан кўришиб турибдики, аввал ҳақиқий кўрқув билан ақидани тўғирлаб олиб, сўнг буюрилган амалларни бажариб мусулмон ҳолда дунёдан ўтишга чақириқ бўляпти.

Ақийданинг мазмун-маъноси Одам алайҳиссаломдан Муҳаммад алайҳиссаломгача ўзгармаган. Барча пайғамбарлар бирин-кетин даъват қилиб келган ақийданинг мазмун-маъноси: Аллоҳнинг борлигига иймон келтириш, унинг бирлигига иймон келтириш ва у зотга лойиқ бўлмаган нуқсонли сифатлардан пок деб билиш ва яна охират кунига, ҳисоб-китоб, жаннат, дўзах ва бошқа нарсаларга иймон келтириш бўлган. Барча пайғамбарлар ўз қавмини мазкур нарсаларга эътиқод қилишга даъват қиларди. Ҳар бири ўзидан олдин ўтган пайғамбарни даъватини қувватларди ва ўзидан кейин келадиган пайғамбарнинг юборилишини башорат берарди. Буни Аллоҳ таоло ўзининг китоби мубийнида кўплаб оятлар билан хабарини берган. Масалан:

Сендан илгари юборган ҳар бир пайғамбарга: “Албатта,, Мендан ўзга ибодатга созовор илоҳ йўқ. Бас, менга ибодат қилинг”, деб ваҳий қилганмиз⁵.

У зот сизларга дин етиб ўзи Нухга васият қилган ва сенга (эй Муҳаммад) ваҳий қилган нарсамизни ҳамда Ибриҳим, Мусо ва Исога васият қилган

³ Сўфи Оллоҳёр. Саботул-ожизийн. – Т.: Чўлпон, 1991. – Б.8.

⁴ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Т.: SHARQ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2008. – Б.63. Оли Имрон сураси, 102-оят.

⁵ “Анбиё” сураси, 56-оят “Қуръони карим маънолари таржимаси”. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Sharq”. Тошкент. 2008.



нарсамизни баён қилди. “Динни барпо қилингиз ва унда тафрийқага тушмангиз”, деди.⁶

Сиз Қуръони карим оятларидан хабардор бўлган бўсангиз. “Ислом” деган ном бу ақийда учун қадимий ва доимий ном эканлиги ҳақида мулоҳаза қилиб кўринг. Масалан, Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятлари ҳақида тафаккур қилиб кўринг:

Иброҳим яҳудий ҳам насроний ҳам бўлмаган эди. Лекин у ҳақ йўлдан тоймаган мусулмон эди. Ва мушриклардан ҳам бўлмаган эди.⁷

Аллоҳ таоло каломи шарифида Фиръавн сеҳргарлари тўғрисида шундай марҳамат қилади:

Улар: “Албатта, биз Роббимизга қайтгувчимиз. Сен биздан фақат Роббимизнинг оятлари келганда уларга иймон келтирганимиз учунгина ўч олмоқдасан! Эй Роббимиз, устимиздан сабр тўккин ва мусулмон ҳолимизда вафот еттиргин”, дедилар.⁸

Ва яна Исо алайҳиссаломнинг ҳаворийлари тўғрисида марҳамат қилади:

Исо улардан кофирликни сезиб қолганда: “Кимлар Аллоҳ йўлида менга ёрдамчи бўлади?!” деди. **Ҳаворийлар: “Биз Аллоҳнинг ёрдамчиларимиз, Аллоҳга иймон келтирдик ва бизнинг мусулмон эканлигимизга гувоҳ бўл”,** дедилар.⁹

Шу ердан маълум бўладики, албатта,, ҳақ дин ўзгармас ва ягонадир. Бугунги кунда инсонларнинг тилида такрорланаётган “самовий динлар” деган ибора хатодир. Чунки у ердаги набийлар ва расуллар юборилган ҳамда даъват қилиб келган дин битта, ягона самовий ҳақ диндир.

Қандай қилиб ҳақ дин анбиё ва росулларнинг тилида бир нечта ва турли хил бўлиши мумкин.

Албатта,, яқинда ўрганганимиздек, ақийда сўзининг ўрнида дин сўзини ишлатса ҳам хато бўлмайди.

Маълумки, ақийда борасида айтилган сўзлар хабар бериш қабилидан бўлади. Бир хабарни бир неча шаклда ва турли хил кўринишда нақл қилиш дуруст бўлмайди. Шундай экан, уларнинг барчаси ҳақиқий, тўғри самовий хабарлардир.

Мазкур фикр мулоҳазалар шуни кўрсатадики, ҳар бир мусулмон ўзини ислом умматидан деб билар экан, албатта, ширкнинг ҳар қандай кўриниши ва турларидан, у кичик бўладими, ёки каттасими сақланиши лозим ва шарт. Бунинг учун эса, илм ўрганиши ва ўзида соф эътиқодни ҳосил қилиши керак бўлади.

⁶ “Шуро” сураси, 13-оят. Қуръони карим маънолари таржимаси”. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Sharq”. Тошкент. 2008.

⁷ “Оли Имро” сураси, 67-оят. “Қуръони карим маънолари таржимаси”. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Sharq”. Тошкент. 2008.

⁸ “Аъроф” сураси, 125 – 126-оятлар. “Қуръони карим маънолари таржимаси”. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Sharq”. Тошкент. 2008.

⁹ “Оли Имрон” сураси, 52-оят. “Қуръони карим маънолари таржимаси”. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Sharq”. Тошкент. 2008.



Эндиликда мана шу ислом ҳақиқати олдида мусулмон киши ўзини муносиб тутиб, жамиятда кузатилаётган бидъат-хурофотларни бартараф қилиши олий бурч ҳисобланади. Юқоридаги фикрларни назарда тутиб, ҳозирги глобаллашув замонида юз бераётган турли хил диний-ақидавий хуружлар ва бузғунчи ғоялардан сақланиш ҳамда бу борада аждодлар томонидан ёзиб қолдирилган бой илмий мерослар билан яқиндан танишиш, уларни чуқур ўрганиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Хулоса ўрнида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Элимизга ислом динини тўғри тараннум этиш – жуда катта тарбия¹⁰” дея бидирган фикрларини келтириш мумкин. Зеро, ислом динини, унинг асли бўлган эътиқод масаласини буюк мутафаккир, мутакаллим бобокалонлар мерослари замирида ўрганиб, чуқур таҳлил қилиш, ундаги олтинга тенг фикрларни ҳаётга тадбиқ қилиш муҳим омилга айланганлигини, мазкур вазифанинг нақадар устувор масала эканлигини ҳис қилиш қийин эмас.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. www.daryo.uz сайти. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бухоро вилояти Пешку туманида вилоят фаоллари ва мутасадди раҳбарлар иштирокида бўлиб ўтган йиғилишдаги нутқидан. 17.02.2018.
2. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент.: Тошкент Ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. – Б.523. Зориёт сураси, 56-оят.
3. Сўфи Оллоҳёр. Саботул-ожизийн. – Т.: Чўлпон, 1991. – Б.8.
4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Т.: SHARQ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2008. – Б.63. Оли Имрон сураси, 102-оят.
5. “Анбиё” сураси, 56-оят “Қуръони карим маънолари таржимаси”. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Sharq”. Тошкент. 2008.
6. www.daryo.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг кино саноатини ривожлантириш ва соҳани тубдан ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган йиғилишдаги нутқидан. 30.12.2017й. Мазкур йиғилишда юртбошимиз: “Имом Бухорий, Термизий каби бобокалонларимиз ҳақида филмлар ишланмаётганлиги кунглимни оғритади”- дея таъкидлаган эди.

¹⁰ www.daryo.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг кино саноатини ривожлантириш ва соҳани тубдан ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган йиғилишдаги нутқидан. 30.12.2017й. Мазкур йиғилишда юртбошимиз: “Имом Бухорий, Термизий каби бобокалонларимиз ҳақида филмлар ишланмаётганлиги кунглимни оғритади”- дея таъкидлаган эди.